

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**



**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

I қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

КОВРАК (*FERULA ASSAFOETIDA*) ДОНИНИНГ ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРДАН ОЛИНГАН ҚЎЗИЛАР МАХСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ғ.Х.Эшматов

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация. Мақолада қўйлар рациона таркибидаги омехта емига 30 кун давомида тажриба гуруҳларига мос равишда 50 грамм ва 100 грамм *ferula assafoetida* дони аралаштириб берилган ҳамда қўйлардан олинган қўзилар сони ва махсулдорлик динамикаси аниқланган.

Калим сўзлар: *Ferula assafoetida*, *серпуит*, қўй, рацион, тирик вазн.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Республикамизнинг турли ҳудудларида кенг тарқалган *Ferula L.* турлари ҳар хил экологик шароитда ўсиши туфайли ем-хашак ўсимлиги сифатида катта аҳамиятга эга. Бу ўсимликлар поёнсиз чўл ва адирларда, тоғнинг барча қияликларида, ҳатто яйловда ҳам денгиз сатҳидан 3000 м баландликгача учраб, ковракзорлар ҳосил қилади. Уларнинг кўпчилиги йирик пояли ва баргли бўлганлиги учун чорва молларининг тўйимли озукаси ҳисобланади [3]

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда янги ерларнинг ўзлаштирилиши, чўл ҳудудларни сув босиши (Айдар-Арнасой кўллари тизими), яйловларда чорва молларининг меъёридан кўп боқилиши, ўсимликдан смола олишда йиғиш қоидаларига амал қилмаслик натижасида *Ferula L.* туркуми турларининг табиий майдонлари қисқариб бормоқда. [1]

Коврак ўсимлиги таркибида мавжуд биологик актив моддалар асосида охириги йилларда Ўзбекистон фанлар академияси кимё институти ва Тошкент фармацевтик заводида 4 та тиббиёт чорвачилик ва паррандачилик кенг қўлланиладиган тефэстрол, панаферол, куфэстрол ва зофарол препаратлари ишлаб чиқарилди. [2,5].

Сассиқ ковракнинг энди чиққан яшил барра барглари, пичан ҳолида ва пишган уруғлари ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинади. Коврак уруғида 14-19 % протеин, 8 % ёғ, 37-47 % азотли экстрактив моддалар ва 23-27 % клетчатка мавжуд [4].

Тадқиқот объекти ва услублари Ишнинг амалий ва экспериментал тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институти виварийси ва ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедрасида олиб борилди. Қўйлар серпуштлигига коврак ўсимлиги донининг таъсирини ўрганиш мақсадида 9 бош қоракўл қўчқорлари ва 15 бош қоракўл қўйлари танлаб олинди, ҳамда улар ўхшаш жуфтликлар асосида 2 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳларига ажратилди.

Биринчи гуруҳ қоракўл қўчқорлари ва қоракўл қўйлари рациона таркибидаги омехта емига 30 кун давомида 50 грамм, иккинчи гуруҳга 100 грамм коврак дони қўшиб берилди. Учинчи гуруҳ эса назорат сифатида хизмат қилди ва улар хўжаликда белгиланган рацион асосида озиқлантирилди.

Тажриба охирида биринчи гуруҳ, иккинчи ва учинчи гуруҳлар, қўчқорлар ва қўйлари гуруҳларига мос равишда қочирилди. Қўйларнинг бўғозлик даврида ҳомиланинг ҳолати ва қўйларнинг умумий ҳолатлари текшириб борилди. Тукқандан кейин эса қўзиларнинг биринчи ойда ўсиш ва ривожланиши, яшовчанлиги ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибадаги биринчи гуруҳ қоракўл қўчқорлари билан биринчи гуруҳ қоракўл қўйлари чатиштирганимизда 6 бош қўзилар олинди, тўғилгандан кейин қўзиларнинг умумий тирик вазни 25,56 кг, битта қўзининг ўртача тирик вазни 4,26 кг, 30 кундан кейин қолган қўзилари сони 6 бош, 30 кундан кейинги қўзиларнинг умумий тирик вазни 77,16 кг, 30 кундан кейин битта қўзининг ўртача тирик вазни 12,86 кг, 30 кунда битта қўзининг умумий ўсиши 8,60 кг, қўзиларнинг кунлик ўртача ўсиши 0,286 килограмми ташкил этди.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ қорақўл қўчқорлари билан иккинчи гуруҳ қорақўл қўйларини чатиштирганимизда 5 бош қўзилар олинди, тўғилгандан кейин қўзиларнинг умумий тирик вазни 21,90 кг, битта қўзининг ўртача тирик вазни 4,38 кг, 30 кундан кейин қолган қўзилари сони 5 бош, 30 кундан кейинги қўзиларнинг умумий тирик вазни 66,6 кг, 30 кундан кейин битта қўзининг ўртача тирик вазни 13,32 кг, 30 кунда битта қўзининг умумий ўсиши 8,94 кг, қўзиларнинг кунлик ўртача ўсиши 0,298 килограмми ташкил этди.

Учинчи назорат гуруҳи қорақўл қўчқорлари билан қорақўл қўйларини чатиштирганимизда 5 бош қўзилар олинди, тўғилгандан кейин қўзиларнинг умумий тирик вазни 22,60 кг, битта қўзининг ўртача тирик вазни 4,52 кг, 30 кундан кейин қолган қўзилари сони 5 бош, 30 кундан кейинги қўзиларнинг умумий тирик вазни 67,8 кг, 30 кундан кейин битта қўзининг ўртача тирик вазни 13,56 кг, 30 кунда битта қўзининг умумий ўсиши 9,04 кг, қўзиларнинг кунлик ўртача ўсиши 0,301 килограмми ташкил этди.

Хулоса

1. Тажрибадаги қўйлар рацион таркибидаги омехта емига 100 грамм коврак (*Ferula assafoetida*) дони аралаштириб бериш узоқ вақт давом этганда, қўйлардан олинган қўзилар сони ва тирик вазнининг ўсиш динамикасига ҳамда уларнинг серпуштлигига салбий таъсир этиши аниқланди.

2. Тажрибадаги 50 грамм коврак (*Ferula assafoetida*) донидан берилган қорақўл қўчқори билан қорақўл қўйларини қочирганимизда 6 бош қўзилар олинди, тўғилгандан кейин қўзиларнинг умумий тирик вазни 25,56 кг, 30 кундан кейинги қўзиларнинг умумий тирик вазни эса 77,16 килограмми ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авалбаев О. Н. “Ғарбий помир-олой тизмаси *Ferula L.* турларининг биоэкологияси ва улардан оқилона фойдаланиш усуллари тақомиллаштириш” дисс... (PhD) автореферат. Самарқанд. 2020.

2. Нажимитдинова Н.Н. Фитохимическое изучение корней растений *Ferula tatarica* Fish.ex spreng и *Ferula soongorica* Pall.ex.spreng. Дис... канд. фармацевтических наук. Ташкент. 2007.

3. Рахманкулов У. Распространении среднеазиатских видов рода *Ferula L.* по флористическим округам печатн. // Ж. Узб. биол. 3. 1998. 33 с

4. Рахмонкулов У. Терпеноидсодержащие растения западного Тянь-Шаня и их использование: Дис...док.биологических.наук. Ташкент. 1999.30с.

5. Саидходжаев А.И., Маликов В.М., Пименов М.Г. Сложные эфиры *Ferula karakalensis*. Строение и стереохимия караферина и караферинина // Химия природ. соедин. – Ташкент, 1993.-№2. –С.227-232.

УДК: 633.88:615:619

ЭРМОН (АЧЧИҚ ШУВОҚ)НИНГ ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВЕТЕРИНАРИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

А.Холиқов, Ғ.Алланазаров, Ғ.Қулдошев

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Аннотация: В статье приводятся сведения о лекарственных травах, в том числе о фармакологическом действии полыни и важности ветеринарной медицины.

Summary: The article provides information on medicinal herbs used in medical practice, including the pharmacological effects of wormwood and the importance of veterinary medicine.

48.	Курбанов Ш.Х. Қўйларнинг ичак цестодозлари, уларни диагностика қилиш ва даволаш-профилактика чора-тадбирлари.....	140
49.	Турсункулов А.Р., Ҳақбердиев П.С. Қўйларнинг гельминтозларга қарши «Левамизол-орал» препаратини синовдан ўтказиш.....	143
50.	Тайлаков Т.И. Эчкиларнинг мониезизини даволашда антигельминтикли минерал тузли яламани қўллаш.....	145
51.	Курбанов Ф.И., Муҳаммадиев З.Н., Даминов А.С. Антгельментик воситаларини карп туридаги балиқлар цестодозларига қарши самарадорлиги.....	148
52.	Расулов Ў.И. Қашқадарё вилояти ҳудудларида пироплазмидозларини тарқатувчи каналар фаунаси.....	153
53.	Расулов Ў.И., Рўзиев А.И. Тейлекс ва бутачем препаратларининг пироплазмозни даволашдаги самарадорлиги.....	155
54.	Расулов Ў.И., Рузиев А.И. Қорамоллар тейлериозини даволашда тейлерсан препаратининг самарадорлиги.....	157
55.	Мирзоев З.Р., Бабаназаров И.Э. Пираплазмидоз касалликларининг тарқалиши ва иктисодий зарари.....	158
56.	Мавланов С.И., Иргашев У.Қ., Холов Ш.Р. Ҳайвонлар эктопаразитлари.....	160
57.	Жабборов Ғ.Ғ. Қўйларнинг эктопаразитлари ва уларга қарши дори воситаларини синовдан ўтказиш.....	162
58.	Давлатов Р.Б., Рустамов Б.С. Курка аскаридиозини даволашда антигельминтикларни синовдан ўтказиш.....	165
59.	Нишонова Д.Х., Жабборов Ғ.Ж., Самарқанд шаҳрида итлар орасида демодекоз касаллигининг тарқалиши ва диагностикаси.....	167
60.	Гизатуллина Ф.Г., Сиренко С.В., Бучель А.В., Вырыпаева А.В. Сравнительная характеристика способов лечения кошек, больных отодектозом	170
61.	Рахимов А.Т., Оккиев С.С., Расулов О.Ш. Аспекты применения антибиотиков в животноводстве и птицеводстве.....	175
62.	Кулдошев Ғ., Алланазаров Ғ., Хатамов Т. Бутасейф-М препаратини қўйларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири.....	177
63.	Ибрагимов А., Салимов Ю. Пробиотикларни чорвачилик ва паррандачиликда қўллашни мақсадга мувофиқлиги.....	179
64.	Сафаров Х.А., Маматова З.Б., Юлдашева М.К. Паррандачиликда <i>Bacillus subtilis</i> таркибли пробиотиклар.....	181
65.	Рахимов А.Т., Кутлиева Г.Дж., Юсупхмедов А.А. Эффективность применения отечественного пробиотического препарата "Бактовит" в птицеводстве.....	184
66.	Нуруллаев Ф.Р., Салимов Ю. Инсектицидлы пиретроидлы препаратлар таркиби ва хусусиятлари.....	186
67.	Тошмуратов Э., Умаров А. Экотоксикантларни юзага келиш омиллари ва уларни ҳайвонлар организмга таъсири.....	189
68.	Салимова И.Ю. Эсфенвалерат препаратини ҳайвонлар репродуктив фаолиятига токсик таъсири.....	192
69.	Фармонов Н.О., Нуруллаев А.А., Шамсиев Б.М. Ципервит препарати токсикологияси.....	194
70.	Эргашова Ш.И. Ветеринарияда фитопрепаратларнинг афзалликлари.....	196
71.	Салимова И.Ю. Доривор моддаларни қўллашдан организмда юзага келадиган салбий ҳолатлар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	198
72.	Эшматов Ғ.Х. Коврак (<i>Ferula assafoetida</i>) донининг қоракўл қўйлардан олинган қўзилар махсулдорлигига таъсири.....	202
73.	Холиқов А., Алланазаров Ғ., Кулдошев Ғ. Эрмон (аччиқ шувок)нинг фармакологик хусусиятлари ва ветеринариядаги аҳамияти.....	203
74.	Хушназаров А., Хамраев А., Избасаров У.К. Лечение дерматологических и	206